

“Агробанк” АТБ акциядорларининг
навбатдаги умумий йиғилишининг
2014 йил 20-июндаги
29-сонли мажлис баённомасига
1-илова

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг
кенгаши тўғрисида**

Н И З О М
(янги тахрирда)

Тошкент-2014

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг кенгаши мақомини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

2. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30-мартдаги ПҚ-1084-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31-мартдаги 89-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда банк уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Банк кенгашининг вазифалари ва ваколати

3. Банк кенгаши банк фаолиятига оқилона ва самарали умумий раҳбарликни амалга оширади.

4. Банк Кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига ҳамда иқтисодиётнинг агросаноат сектори корхоналарига кредит бериш ва уларни молиялаштириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва қулайлигини оширишга йўналтирилган узоқ муддатли банк сиёсатини шакллантириш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга, шу жумладан “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ва “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси тизимига қирадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарга юқори сифатли, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этишга ҳамда ички истеъмол бозорини юқори сифатли озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга кўмаклашиш мақсадида кредит бериш ва уларни молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

банкда замонавий корпоратив бошқарувни шакллантириш ва банк ижро этувчи органининг самарали фаолиятини таъминлаш;

банкнинг мақбул даражада капиталлашувини, ликвидлигини унга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ва мажбуриятларининг ўз вақтида амалга оширилиши учун етарли даражада сақлаб туриш;

универсал тижорат банки сифатида банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга комплекс хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш;

кишлоқ жойларида фаолият кўрсатаётган банк-молия инфратузилмасини фаоллаштириш ва кенгайтиришдан иборат.

5. Банк Кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек банк уставига банкнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси банк Кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

банк Бошқарувини аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

банк Бошқаруви раҳбарини тайинлаш, у билан бир йил муддатга меҳнат шартномасини тузиш, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

банк Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни

бажариш учун бу ҳужжатларни банк Бошқарувидан олиш. Банк Кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

банкнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш. Бундай қарор банк Кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди;

йирик битим тузиш масаласи бўйича банк Кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аффилланган шахс билан банк томонидан битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, мазкур Низомнинг иловасидаги рўйхатга мувофиқ ўрнатилган тартибда кредит, кафолат ва бошқа битимлар тузиш юзасидан банк Бошқарувига қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилган аффилланган шахслар бундан мустасно;

банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

6. Банк Кенгашининг ваколат доирасига “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

7. Банк Кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун банк Бошқарувиغا ўтказилиши мумкин эмас.

3. Банк кенгашининг мажбуриятлари

8. Қуйидагилар банк кенгашининг мажбуриятлари ҳисобланади:

ўз ваколатларини банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

банкка ўз ваколатларига мос равишда раҳбарлик қилишни таъминлаш;

банк фаолияти, кредитлар бериш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилиги устидан жорий назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида);

банкнинг етарли даражадаги капиталлашувини таъминлаш;

банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;

банкни ривожлантириш бўйича қабул қилинган бизнес-режалар ижросини назорат қилиш;

банкнинг фойда кўриши мониторингини олиб бориш;

ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;

корпоратив бошқариш бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботни йиллик умумий йиғилишга тақдим этиш.

4. Банк кенгашини сайлаш

9. Банк Кенгашининг аъзолари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва банк уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

10. Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

11. Банк Бошқаруви аъзолари банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас.

12. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар банк Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

13. Банк Кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар банк уставда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

14. Банк Кенгашининг таркиби ўн аъзодан иборат.

15. Банк Кеенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони банк Кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

16. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар банк Кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

5. Банк кенгашининг раиси

17. Банк Кенгашининг раиси, банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

18. Банк Кенгаши ўз раисини Банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

19. Банк Кенгашининг раиси:

кенгаш ишини ташкил этади;

кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади;

акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

20. Банк Кенгашининг раиси қонун ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Банк Кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини банк Кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

6. Банк Кенгашининг мажлиси

22.Банк Кенгашининг мажлиси Кенгаш раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, банк Кенгаши, тафтиш комиссияси, банк Бошқаруви аъзосининг, шунингдек банк уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

23.Банк Кенгаши мажлиси банк кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра ёки:

банк Кенгаши аъзосининг;

тафтиш комиссияси аъзосининг;

банк Бошқаруви аъзосининг;

банк ички аудит хизмати раҳбари;

банкнинг ташқи аудитори;

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки талабига кўра чақирилади.

24.Банк Кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кенгаш аъзолари белгиланган сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил қилиши керак.

25.Банк Кенгаши аъзоларининг сони банк уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Банк Кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек банк Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

26.Банк Кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 18-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор банк Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

27.Банк Кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Банк Кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кенгаш томонидан қарор қабул қилишда банк Кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

28.Банк Кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлисининг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

29.Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган кенгаш аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

30.Банк Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

31.Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни банк Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Банк Кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот банк Бошқарувига банк Кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

7. Банк Кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

32.Банк кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кенгаш йиғилишида шахсан иштирок этиш, йиғилишда муҳокама этилаётган масала бўйича регламентда ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилинаётган қарор бўйича ўз фикрини бериш;

муайян давр мобайнида банк фаолиятининг натижалари, уни ривожлантириш режалари ҳақида тўлиқ ва ишонарли ахборот олиш;

зиммасидаги вазифаларни бажара туриб банк кенгашидаги иши учун муайян мукофот олиш.

33.Кенгаш аъзолари ўртасида вазифалар кенгаш раиси томонидан тақсимланади. Кенгашнинг ҳар бир аъзосига тўланадиган мукофот ва товон миқдори банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

34. Банк кенгаши аъзоси қуйидаги мажбуриятларга эга:

банк уставида белгиланган тартибда малакали банк бошқаруви аъзоларини ишга ёллаш ва уларни тасдиқлаш;

бошқарув билан маслаҳатлашган ҳолда банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режасини белгилаш;

банк мақсадларига эришиш ҳамда қонуний, хавфсиз ва самарали банк фаолиятини юритиш учун етарли сиёсатларни белгилаш;

қонунчиликка ва банк сиёсатларига мувофиқ банк операциялари устидан амалга ошириладиган етарли назоратни амалга ошириш;

банкнинг жорий фаолиятини кузатиш.

25.Томонлардан бири банк бўлган битимда банк кенгаши аъзоси манфаатдор бўлган, шунингдек банк кенгаши аъзоси ва банк манфаатлари ўртасида низо юзага келган ҳолларда, банк кенгаши аъзоси битим тузиладиган пайтга қадар ўз манфаатдорлигини кенгашга барвақт маълум қилиши шарт, битимни тузиш тўғрисидаги қарор эса шундай манфаатдорликка эга бўлмаган банк кенгаши аъзоларининг кўпчилиги ёки акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилиниши лозим. Бунда кенгашнинг манфаатдор аъзолари шундай битим бўйича муҳокамада ҳам, қарор қабул қилишда ҳам иштирок этмайдилар.

26.Банк кенгаши аъзолари кенгаш томонидан бирон-бир қарорлар қабул қилинишига таъсир ўтказганлиги учун бевосита ёки билвосита мукофот олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

27.Кенгаш аъзолари банк имкониятларидан (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, банк фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотдан) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишга ҳақли эмаслар.

28.Банк акциядорларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини банк кенгаши қуйидаги усуллар билан ҳимоя қилади:

акциядорларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда банк фаолиятига самарали раҳбарлик қилиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, овоз бериш ҳамда овозларни санаш ва қарорлар қабул қилиш тартибини назорат қилиш;

банкнинг устав капитали улушлари устав жамғармасини кўпайтириш ёки камайитириш, қўшимча қимматли қоғозлар ва шу кабиларни чиқариш йўли билан ўзгартирилганида акциядорларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик;

банкнинг самарали дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш;

банк акциядорлари билан ўзаро муносабатларга боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

бошқарувнинг ғайриқонуний ҳамда нолойиқ ҳаракатлари устидан акциядорларнинг шикоятлари ва таклифларини қабул қилиб олиб, кўриб чиқиш.

8. Банк фаолияти устидан назоратни амалга ошириш

29. Банк кенгаши бошқарувдан банкнинг молиявий аҳволи ва фаолияти тўғрисида вақти-вақти билан (ҳар чоракда камида бир марта) шарҳлар ҳамда ёзма ҳисоботларни, жумладан уларни яхшилашга оид тавсияларни олиб туради, шунингдек банк бошқаруви раиси ва ички аудит хизмати раҳбарининг маърузаларини тинглайди.

Кенгаш аъзолари шундай ҳисоботлар ва тавсияларнинг тўғрилигини ҳамда амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида уларни синчиклаб текширадilar.

30. Банк кенгаши томонидан банкнинг қуйидаги молиявий коэффициентлари мунтазам назорат қилиб борилади:

активларга нисбатан даромад;

оддий акциялар бўйича даромад;

умумий фоиз маржаси миқдори;

фоизлар тўлаш билан боғлиқ бўлмаган активларга нисбатан банк харажатлари;

барча кредитларга нисбатан шубҳали ва умидсиз кредитлар улуши;

барча кредитларга нисбатан ҳисобдан чиқарилган кредитлар улуши;

йирик кредитлар суммаси ва банк билан алоқадор шахсларга кредитлар.

9. Кадрлар сиёсатини амалга ошириш

31. Банк кенгаши банкнинг кадрлар сиёсатини, банкка юқори малакали, билимдон, тажрибали, илғор фикрловчи, ташаббускор ва масъулиятли раҳбарлар ҳамда ходимларни жалб этиш стратегиясини ишлаб чиқишни амалга оширади.

32. Кадрлар сиёсати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қуйидагиларни ўз ичига олади:

банк ходимларини мукофотлаш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарлик чорасини кўриш;

ўқитиш ва қайта ўқитиш дастури;

банк раҳбар ходимларини тайинлаш тартиби;

банк раҳбариятини ишдан бўшатиш мажбурий бўлиб қоладиган ҳолларни аниқлаш.

33. Банк кенгаши қуйидагиларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди:

Банк бошқаруви аъзолари ва банк асосий хизматлари раҳбарларининг ишига баҳо бериш мезонлари;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари;

билимсизлиги, нопоклиги, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа сабаблар оқибатида банкнинг манфаатдор шахслари ўз зиммаларига юклатилган вазифалардан четлаштириладиган шарт-шароитлар рўйхати.

10. Банкнинг мутаносиб сармояланишини қўллаб-қувватлаш

34. Банк сармоясини сақлаб қолиш ҳамда уни банк операциялари кўламига ва таваккалчилик даражасига мос бўлишини таъминлаш мақсадида банк кенгаши:

банк томонидан эҳтимолий йўқотишларга махсус захираларнинг ўрнатилган тартибда яратилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган даражадан юқори бўлмаган банк таваккалчилиги даражасини таъминлашни банк бошқарувидан талаб қилади;

банк акцияларини жойлаштириш чораларини кўради;

банкнинг сармоя ва умумий захиралари етарлича даражада сақлаб турилишини таъминлайди.

35. Банк кенгаши банк бизнес-режасини мустақил равишда ҳам, четдан маслаҳатчилар ва экспертларни жалб этган ҳолда ҳам кўриб чиқиб, тасдиқлайди ҳамда у қуйидагиларни ўз ичига олади:

кредитлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш сиёсати;

кредитларни назорат қилиш тартиб-қоидаси;

активлар ва пассивларни бошқариш тизими;
инвестициялаш тартиби.

36.Кенгаш банк фаолиятини ривожлантириш бизнес-режасининг Банк бошқаруви томонидан амалга оширилишини таъминлайди ва назорат ўрнатади.

37.Банкни ривожлантириш бизнес-режаси одатда зарур ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш мақсадида йилига камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

11. Банк кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

38.Банк кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ўз бурчларини бажаришда банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

Банк кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатлари ва банк уставига мувофиқ банк ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

39.Кенгаш йиғилишида овоз беришда қатнашмаган ёки банкка зиён етишига олиб келган қарорга қарши овоз берган банк кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.